

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2019 йил декабрь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья К.Мирсафаевнинг раислигида, Р.Хикматов ва Ш.Турғунбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи Ж.А. ва Д.А.лар, жамоат химоячилари – Яшнобод тумани «ВЕНІZOR» МФЙ раиси У.Минаварходжаев ва Ёш ҳуқуқшунослар Кенгаши бўлим бош мутахассиси М.Рахматовларнинг иштирокида, Ж.А. ва Д.А.га оид 1-1009-1903/327-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

_____ йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, Тошкент вилояти Зангиота тумани «_____» МЧЖда ишчи, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, _____

рўйхатда туриб яшайди, мазкур иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 21.11.2019 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми ва 273-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган;

_____ йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, Тошкент шаҳар «_____» МЧЖда ҳайдовчи-экспедитор, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, _____

_____ йда рўйхатда туриб яшайди, мазкур иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 21.11.2019 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ж.А. 2019 йил сентябрь ойи бошларида Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ



тумани, «Олмос» маҳалласидаги кўл бўйида ёввойи тарзда ўсиб ётган «наша» гиёҳвандлик ўсимлиги барглари юлиб олиб, ўзи истиқомат қилиб келаётган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Маърифат кўчаси, 54-уй қаршисидаги гуллар орасида беркитиб қуриб, 2019 йил 26 сентябрь куни соат 16:00 ларда уйининг олдида бўла туриб, қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида озгинадан кўпроқ миқдордаги «марихуана» гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини гугурт қутига солиб, оқ қоғозга ўраб, таниши Д.А.га 500.000 сўм пул эвазига сотган.

2019 йил 26 сентябрь куни соат 18:00 ларда Д.А. ўзи яшаб келаётган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Маърифат кўчаси, 76-уй олдида Яшнобод тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан тезкор тадбир жараёнида тўхтатилиб, Яшнобод тумани ИИО ФМБ биносига олиб келиниб, шахсий кўрикдан ўтказилганда унинг эгнидаги шимининг ўнг олд чўнтагидан Ж.А.дан олиб, ўтказиш мақсадини кўзламай гугурт қутисида ўзининг истеъмоли учун сақлаб келган юқоридаги **5,78** граммга тенг озгинадан кўпроқ миқдордаги «марихуана» гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, холислар иштирокида далилий ашё сифатида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 27.09.2019 йилдаги №2/715-сонли хулосасига кўра, фуқаро Д.А.дан олинган яшил рангли модда таркибида гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда «марихуана» деб аталиши ва қуруқ ҳолдаги оғирлиги 5,78 граммга тенглиги (тадқиқот жараёнида 0,3 грамм сарфланди) аниқланган.

Бундан ташқари, Д.А.нинг тергов органи билан ҳамкорлиги асосида, Яшнобод тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан назоратли харид тадбири ўтказилган бўлиб, Ж.А. 2019 йил 28 сентябрь куни соат 10:30 да ўзи истиқомат қилиб келаётган Яшнобод тумани, Маърифат кўчаси, 54-уй олдида бўла туриб, қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситаларини такроран ўтказиш мақсадида озгинадан кўпроқ миқдордаги «марихуана» гиёҳвандлик воситасининг қолган қисмини оқ қоғозга ўраб, таниши Д.А.га 100.000 сўм пул эвазига сотганидан сўнг қўлга олиниб, Ж.А.дан тезкор тадбир жараёнида ишлатилган АF0812471 серияли рақамли 100.000 сўм пул банкнотдаги, Д.А.ан **1,19** граммга тенг озгинадан кўпроқ миқдордаги «марихуана» гиёҳвандлик воситаси холислар иштирокида далилий ашё сифатида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 29.09.2019 йилдаги №2/721-сонли хулосасига кўра, фуқаро Д.А. ўз ихтиёри билан топширган яшил рангли модда таркибида гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда «марихуана» деб аталиши ва қуруқ ҳолдаги оғирлиги 1,19 граммга тенглиги (тадқиқот жараёнида 0,3 грамм сарфланди) аниқланган.

Кўшимча суд-кимёвий экспертизасининг 15.10.2019 йилдаги №1595-сонли хулосасига кўра, фуқаро Д.А.дан иккита оқ қоғоз ўрамларидаги «марихуана» гиёҳвандлик воситаларининг таркибидаги каннабиноидлар гуруҳига кирувчи компонентлар фоизи бўйича бир бирига мос бўлиб, улар бир турга тааллуқлилиги (тадқиқот жараёнида 0,16 грамм сарфланди) аниқланган.



Суд мажлисида судланувчи **Ж.А.** унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2016 йилдан буён наша гиёҳвандлик воситасини чекиш йўли билан баъзи-баъзида истеъмол қилиб келишини, 2019 йил сентябрь ойи бошларида Тошкент вилояти, Ўртачирчик тумани Олмос маҳалласи томонидан кирганида кўл бўйида ўсиб ётган ёввойи наша ўсимлигини ўзининг истеъмоли учун баргларини ажратиб олиб маҳалласига, яъни Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Маърифат кўчаси, 54-уйи тўғрисидаги кўшнисининг уйини олдида ўсадиган ёввойи гуллар орасига яшириб қўйганини, 2019 йил 26 сентябрь куни наша ўсимлигини қуриб қолганида уларни оқ целофанга солиб қўйганини, шундан сўнг 2019 йил 26 сентябрь куни соат 16:00 ларда у кўшниси Абдурашидов Дилшод билан кўришиб, Дилшод ундан ўзининг истеъмоли учун «наша» сўраганида, у Дилшодга юқоридаги наша ўсимлигининг яримдан кўпини гугурт қутисига солиб, уни оқ қоғозга ўраб бепул берганини ва ушбу наша 500.000 сўмлик эканини гап орасида айтганини, лекин сотмаганини ва бунинг эвазига ҳеч қандай пул олмаганини, шундан сўнг 2019 йил 28 сентябрь куни соат 10:30 ларда Дилшод унга қўнғироқ қилиб, яна «наша» сўраганида, у рози бўлиб, соат 11:00 ларда ўзининг маҳалласида Дилшод билан кўришиб, олиб қолган нашанинг қолган қисмини оқ қоғозга ўралган ҳолда унга берганида, Дилшод унга ўз хоҳиши билан 100.000 сўм берганини, сўнг орадан 5-10 дақиқа ўтиб олдида ИИО ФМБ ходимлари келиб, уни Яшнобод тумани ИИО ФМБга олиб келиб, хизмат хонада холислар иштирокида Дилшод берган 100.000 сўмни баённомалаштириб олишганини ва ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар тузишганини, у нашани биринчи марта Дилшодга 500.000 сўмга сотмаганини, фақат шундай пул туришини айтганлиги учун тергов жараёнида кўрсатмалари нотўғри ёзилган бўлиши мумкинлигини ва у томонидан ўқимасдан имзоланганини, терговда барча кўрсатмаларни ўз хоҳиши билан берганини, ҳеч ким унга тазйиқ ўтказмаганини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини кўрсатиб, суддан унга нисбатан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида судланувчи **Д.А.** унга эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2018 йилдан бери наша гиёҳвандлик воситасини чекиш йўли билан баъзи-баъзида истеъмол қилиб келиб, 2019 йил 26 сентябрь куни соат 16:00 ларда у кўшниси Абдуганиев Жавохир билан маҳалласида кўришиб, ундан ўзининг истеъмоли учун гугурт қутисига солиниб оқ қоғозга ўралган «наша» ўсимлигини бепул олганини, шунда Жавохир унга гап орасида мазкур наша 500.000 сўмлик эканини айтганини, лекин кўшниси бўлганлиги учун эвазига пул сўрамаганини ва олмаганини, ўша куни уни ИИО ФМБ ходимлари тўхтатиб, Яшнобод тумани ИИО ФМБга олиб келиб, хизмат хонасида икки нафар холислар иштирокида эгнидаги жинси шимимнинг ўнг чўнтагидан ушбу нашани баённомалаштириб олишганини, шунда у ҳамкорлик қилишга рози бўлиб, ИИБ ходимларига мазкур нашани кўшниси Ж.А.дан олганлигини маълум қилиб, ўтказиладиган назоратли харид тезкор тадбирида қатнашиб ёрдам



беришга рози бўлганида, ходимлар унга тезкор тадбир давомида фойдаланиш учун AF0812471 серияли 100.000 сўмлик купюрадаги пулни тақдим қилишганини, шундан сўнг 2019 йил 28 сентябрь куни соат 10:30 ларда у Жавохирга қўнғироқ қилиб, 100.000 сўмлик наша гиёҳвандлик воситасини топиб беришни сўраб, соат 11:00 ларда у билан маҳаллада кўришиб, Жавохир унга оқ қоғозга ўралган нашани берганида, у эвазига ходимлар томонидан унга тақдим қилинган AF0812471 серияли 100.000 сўмлик купюрадаги банкнотани берганини, сўнг ИИО ФМБ ходимлари олдига бориб, Ж.А.дан олган нашани топширганини, ходимлар эса Ж.А.ни ушлашганини, у биринчи марта нашани Дилшоддан 500.000 сўмга сотиб олмаганини, фақат шундай пул туришини айтганлиги учун тергов жараёнида кўрсатмалари нотўғри ёзилган бўлиши мумкинлигини ва у томонидан ўқимасдан имзоланганини, терговда барча кўрсатмаларни ўз хоҳиши билан берганини, ҳеч ким унга тазйиқ ўтказмаганини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини кўрсатиб, суддан унга нисбатан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчиларнинг жиноят содир этганликдаги айби уларнинг ўз айбига иқрор бўлиб судда берган кўрсатмаларидан ташқари, муҳокама қилинган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Жумладан, суд мажлисида гувоҳ **Б.Мамажонов** ва тергов жаранида сўроқ қилинган гувоҳ **С.Мамажанов**лар қуйидагиларни, яъни 2019 йил 26 сентябрь куни Яшнобод тумани ИИО ФМБ хизмат хонасида улар Д.А.нинг эғнида бўлган шимининг ўнг олд чўнтагидан 2.000 сўм, бир дона лаб бўяш қалами ва бир дона «Спичка» ёзувли гугурт қутига солинган яшил рангли ўткир хидли ўсимликсимон қуритилган моддани баённомалаштириб олишда холис сифатида қатнашганини айтиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ **М.Ражабова** ва тергов жаранида сўроқ қилинган гувоҳ **А.Усманов**лар қуйидагиларни, яъни 2019 йил 26 сентябрь куни улар Яшнобод тумани ИИО ФМБ хизмат хонасида у Ж.А.нинг эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан 100.000 сўмлик серия рақами AF0812471 бўлган купюрани, Д.А.нинг эғнида бўлган шимининг ўнг олд чўнтагида бир дона оқ қоғозга ўралган яшил рангли ўткир хидли ўсимликсимон қуритилган моддани баённомалаштириб олишда холис сифатида қатнашганини айтиб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, суд судланувчи Ж.А. ва Д.А.ларнинг айби жиноят иши ҳужжатлари билан, яъни билдирги, ариза, тушунтириш хатлари, тезкор тадбирда фойдаланиш учун пулларни тақдим қилиш, кўздан кечириш ва қайд этиш, ашёвий далилни олиш, тинтув ўтказиш, дискни кўздан кечириш ва стенограмма қилиш, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш, нарсани кўздан кечириш баённомалари ва илова қилинган фотожадваллар, экспертиза хулосалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.А.нинг «марихуана» гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб,



озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда сақлаш, ташиш ва сотиш орқали ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан; судланувчи Д.А.нинг озгинадан кўпроқ миқдори ташкил қилувчи 5,78 грамм «марихуана» гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Бунда, судланувчи Ж.А.ни жавобгарликка тортишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабларига риоя қилиш лозим бўлади.

Суд судланувчиларнинг судда кўрсатмасини ўзгартириб, биринчи эпизод бўйича гиёҳвандлик воситаси 500.000 сўмга сотиб олинмаганини ва бепул берилганлиги ҳақидаги кўрсатувларига баҳо бериб, уларни жиноят иши ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар билан, хусусан ўзининг тергов жараёнида адвокати иштирокида айбига иқрор бўлиб берган кўрсатмалари ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан инкор қилинганлиги сабабли ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаслиги учун судни чалғитиб, қисматини енгиллаштириш мақсадида берилган деб ҳисоблайди ҳамда уларга танқидий баҳо беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорнинг 37-бандида «ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)» деб қайд этилган.

Юқоридаги Пленум Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, суд судланувчи Ж.А.га жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, пушаймон бўлиб, муқаддам судланмаганини, маҳалладан ва иш жойидан ижобий тавсифланишини, ёшини (26 ёшда) ва оилали бўлиб, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахсини, гиёҳвандлик воситасининг миқдорини, жамоат ҳимоячиси томонидан



кафолат хати берилган бўлиб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо беришни, ўзлари кафилликка олишни сўраб берилган илтимосномасини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан Қонун санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, судланувчи Д.А.га жазо тайинлашда суд унинг айбига иқрорлигини, пушаймон бўлиб, муқаддам судланмаганини, маҳалладан ижобий тавсифланишини, ёшлигини (21 ёш) ва жиноятни очишда ёрдам берганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахсини, гиёҳвандлик воситасининг миқдорини, жамоат ҳимоячилари томонидан кафолат хати берилган бўлиб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо беришни, ўзлари кафилликка олишни сўраб берилган илтимосномасини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан Қонун санкциясида назарда тутилган мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд Тошкент шаҳар наркология диспансерининг далолатномаларига кўра, судланувчиларни гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эмаслигини ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаш учун асослар йўқлигини инобатга олади.

Шунингдек, суд иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва экспертиза жараёнида бир қисми сарфланганини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ДХХ Моддий-техника ва хўжалик таъминоти бошқармасида 0017029-сонли қвитанция асосида сақланаётган, вазни 6,195 грамм «марихуана» гиёҳвандлик воситасини белгиланган тартибда йўқ қилишни, DVD дискдаги аудиоёзувни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни, AF0812471 серия рақамли 100.000 сўм купюра қонуний эгасига қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд



Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ж.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазонинг ижросини назорат қилиш Ж.А.нинг яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Ж.А.га жазони ўташ даврида қуйидаги чекловлар белгилансин, яъни назорат қилувчи органнинг розилигисиз:

- 1) Яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- 2) Алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- 3) Яшаш жойини соат 22:00 дан соат 06:00 гача ташлаб кетмаслик;
- 4) Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудидан чиқмаслик.

Жазони ўташ муддати маҳкум яшаш жойи бўйича тумани ИИО ФМБда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисми талаблари, яъни озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазонинг ўталмаган муддати бошқа жазога алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ж.А.га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров сифатида олинган 5.000.000 (беш миллион) сўм пул маблағлари гаровга қўювчи Абдуганиев Жавоҳир Комол ўғлига қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Д.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан бир юз эллик соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Мажбурий жамоат ишлари жазоси ижросининг назорати Д.А.нинг яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилиб, мазкур жазони ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури шу турдаги жазоларни ижросини таъминловчи бўлим томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг таклифига кўра белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 45¹-моддасининг 5-қисмига мувофиқ, Д.А. жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши тушунтирилсин.



Д.А.га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров сифатида олинган 5.000.000 (беш миллион) сўм пул маблағлари гаровга қўювчи Абдурашидов Дилшод Абдурахим ўғлига қайтарилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган:

1) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Моддий-техника ва хўжалик таъминоти бошқармасида 0017029-сонли қвитанция асосида сақланаётган вазни 6,195 грамм «марихуана» гиёҳвандлик воситаси белгиланган тартибда йўқ қилинсин;

2) DVD дискдаги аудиоёзув жиноят иши ҳужжатларида сақлансин;

3) AF0812471 серия рақамли 100.000 сўмлик купюра қонуний эгасига қайтарилганлигини инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида ушбу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи:

/имзо/

К.Мирсафаев

Аслига тўғри:

